



AKTUAR MOLIYA VA BUXGALTERIYA HISOBI ILMIY JURNALI

Vol. 5 Issue 04 | pp. 125-131 | ISSN: 2181-1865

Available online <https://finance.tsue.uz/index.php/afa>

ДАВЛАТ БЮДЖЕТИГА УНДИРИЛГАН БОЖХОНА БОЖИ ВА УНГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ



Махмудов Аминжон Азимович

Божхона институти мустақил изланувчиси,

e-mail: aminjon.mahmudov777@gmail.com

Аннотация: Мазкур илмий мақолада божхона органлари томонидан давлат бюджетига ундирилган божхона божи ва унга таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили баён этилган. Изланишлар натижалари бўйича илмий таклиф ва амалий тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: божхона тўловлари, имтиёз ва преференциялар, импорт ҳажми, тренд модель, эконометрик моделлар, натижавий омил, ўзгарувчи омиллар.

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ТАМОЖЕННЫХ ПОШЛИН, ВЗИМАЕМЫХ В ГОСУДАРСТВЕННЫЙ БЮДЖЕТ, И ФАКТОРОВ, ВЛИЯЮЩИХ НА НИХ

Махмудов Аминжон Азимович

Соискатель Таможенного института,

e-mail: aminjon.mahmudov777@gmail.com

Аннотация: В данной научной статье описан эконометрический анализ таможенных пошлин, взимаемых в государственный бюджет таможенными органами, и факторов, влияющих на него. По результатам исследований даны научные предложения и практические рекомендации.

Ключевые слова: таможенные платежи, льготы и преференции, объем импорта, трендовая модель, эконометрические модели, фактор результата, переменные факторы.

ECONOMETRIC ANALYSIS OF THE CUSTOMS DUTY CHARGED TO THE STATE BUDGET AND THE FACTORS AFFECTING IT

Maxmudov Aminjon Azimovich

Independent researcher of the Customs Institute

e-mail: aminjon.mahmudov777@gmail.com

Abstract: This scientific article describes an econometric analysis of customs duty collected into the state budget by customs authorities and the factors influencing it. Based on the research results, scientific proposals and practical recommendations are given.

Keywords: customs payments, benefits and preferences, import volume, trend model, econometric models, outcome factor, variable factors.

Кириш

Мамлакатимизнинг иқтисодий ривожланиш стратегиясида ташқи савдо ва божхона сиёсати муҳим ўрин тутди. Божхона тўловлари давлат бюджетининг муҳим даромад манбаларидан бири сифатида иқтисодий барқарорликни таъминлашда, шунингдек, ички бозор ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишда асосий воситалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2023 йил 11 сентябрдаги ««Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги Фармоннинг «Барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш» устувор йўналишининг “Фискал барқарорликни таъминлаш ва давлат мажбуриятларини самарали бошқариш” номли 46-мақсадида –“Консолидациялашган бюджет тақчиллигини 2024 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоиздан ва келгуси йилларда 3 фоиздан паст бўлган миқдорда бўлишини таъминлаш” вазифаси белгилаб берилди [1].

Мазкур ҳолатда божхона божи тушумининг самарадорлигига таъсир этувчи омилларни таҳлил қилиш нафақат иқтисодий сиёсатни оптимallasштириш, балки божхона хизматларини модернизация қилиш ва халқаро савдо жараёнларига мослаштириш нуқтаи назаридан ҳам долзарб аҳамиятга эга.

Мавзуга оид адабиётлар шарҳи

Тадқиқот давомида Гужарати, Д. Н., Портер, Д. С ларнинг (2009) “Basic Econometrics” [2] ва Ж.М.Волдриджнинг “Introductory Econometrics (2018)”[3] номли ўқув қўлланмалари, Мариа-Сармен Гуисаннинг (2008) “An econometric model of industry, foreign trade, and economic development in Philippines, 1990-2006” [4] мақолаларидан, шунингдек, Т.Н.Пардаев ва О.А.Сармановлар томонидан божхона тўловларига таъсир этувчи омилларни эконометрик таҳлили ва уларнинг қисқа муддатли прогноз кўрсаткичлари бўйича тадқиқотларидан [5-6] фойдаланилди.

Шунингдек, мамлакатимиз олимларидан Б.Ю.Ходиев, Т.Ш.Шодиев, Б.Б.Беркиновлар иқтисодий ривожланишни эконометрик моделлаштириш, Ю.Мухамедов барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари устида тадқиқот ишларини олиб борган [8].

Методология

Мақолада божхона божига таъсир этувчи омилларни ўрганиш учун эконометрик таҳлил усуллари қўлланилади: корреляцион таҳлил ва кўп ўзгарувчили чизиқли регрессион таҳлил.

Таҳлил ва натижалар

Ушбу мақолада давлат бюджетига ундирилган импорт божи ва унга таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлаштириш масалалари тадқиқ қилинган. Божхона тизими мураккаб тизим бўлиб унга бир пайтда ҳам ички, ҳам ташқи омиллар таъсир кўрсатади. Айрим ташқи омиллар бевосита эмас, балки билвосита

таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам мазкур таъсирларни ўрганиш учун кўп омилли эконометрик модель тузиш лозим бўлади. Кўп омилли эконометрик моделда қатнашадиган натижавий омил бўлиб, давлат бюджетига ундирилган импорт божи, млрд. сўм (Y) ҳисобланади. Ушбу омилга таъсир этувчи омиллар бўлиб эса – солиққа тортиладиган импорт ҳажми, млн. АҚШ доллари (X1), импорт божи бўйича берилган имтиёзлар, млрд. сўм (X2), АҚШ доллари курси, сўм (X3), импорт қилган ТИФ қатнашчилари сони, бирлик (X4), импорт божхона божининг ўрта арифметик ставкаси, фоиз (X5) ҳисобланади. Кўп омилли эконометрик моделга киритилаётган омилларнинг ўлчов бирликлари турлича бўлганлиги сабабли, уларнинг қийматларини логарифмлаш орқали ягона ўлчов бирлигига келтирамиз.

Дастлаб кўп омилли эконометрик моделда қатнашувчи омиллар бўйича тавсифий статистика ўтказамиз. Қуйидаги 1-жадвалда кўп омилли эконометрик моделга кирувчи омилларнинг тавсифий статистика натижалари келтирилган.

1-жадвал

Омиллар бўйича тавсифий статистика натижалари¹

	LN _Y	LN _{X1}	LN _{X2}	LN _{X3}	LN _{X4}	LN _{X5}
Mean	7.561408	9.234654	9.008976	8.375705	9.621250	2.266181
Median	7.371751	9.050611	8.793430	8.260598	9.455374	2.388384
Maximum	9.210440	10.35789	10.45655	9.446075	10.25058	2.703373
Minimum	6.350624	8.538747	7.626648	7.187771	9.018090	1.401183
Std. Dev.	0.938405	0.593641	0.963200	0.846490	0.472669	0.475566
Skewness	0.442872	0.793258	0.136901	0.005020	0.159910	-0.364698
Kurtosis	2.058338	2.362076	1.558902	1.296955	1.305250	1.572583
Jarque-Bera	4.114180	3.949322	5.434488	3.933641	1.982975	1.713024
Probability	0.002874	0.003320	0.00116	0.003290	0.071024	0.064641
Sum	120.9825	147.7545	144.1436	134.0113	153.9400	36.25890
SumSq. Dev.	13.20905	5.286150	13.91630	10.74818	3.351239	3.392446
Observations	16	16	16	16	16	16

Жадвал маълумотларидан ҳар бир омилнинг ўртача қиймати (mean), медианаси (median), максимал ва минимал қийматлари (maximum, minimum) қийматларини кўриш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (std. dev. (Standart Devation) — стандарт четланиш коэффиценти ҳар бир ўзгарувчиларнинг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади) қийматлари қайд этилган.

Давлат бюджетига ундирилган импорт божи ва унга таъсир этувчи омиллар бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга кирувчи омилларни танлашда омиллар ўртасида боғланиш зичликларини аниқлаш муҳим ҳисбланади. Бунинг учун натижавий ва таъсир этувчи омиллар ўртасида корреляция таҳлили ўтказилади. Ушбу ҳисоб-китоблар жараёнида омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффицентлари ҳисобланади. Омиллар ўртасида ҳисобланган

¹ Муаллиф ишланмаси

хусусий ва жуфт корреляция коэффицентлари матрицаси қуйидаги 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

Омиллар ўртасида ҳисобланган корреляцион матрица²

Covariance Analysis: Ordinary

Date: 04/04/23 Time: 14:43

Sample: 2009 2024

Included observations: 16

Correlation

t-Statistic

Probability	lnY	lnX1	lnX2	lnX3	lnX4	lnX5
lnY	1.000000					
lnX1	0.871573	1.000000				
	6.651753	-----				
	0.0000	-----				
lnX2	0.863072	0.647311	1.000000			
	6.583660	4.208105	-----			
	0.0000	0.0009	-----			
lnX3	0.929674	0.671378	0.586234	1.000000		
	9.442648	3.389576	2.316410	-----		
	0.0000	0.0044	0.0648	-----		
lnX4	0.883956	0.674726	0.679725	0.575423	1.000000	
	7.909464	3.420543	3.49726	2.563731	-----	
	0.0000	0.0041	0.0036	0.0675	-----	
lnX5	-0.626574	-0.229521	-0.580378	-0.656877	-0.529588	1.000000
	-3.008131	-0.882346	-2.269552	-3.219226	-2.059037	-----
	0.0094	0.3925	0.0644	0.0341	0.0691	-----

Омиллар ўртасида ҳисобланган корреляция коэффицентлари жойлашган 2-жадвалдан кўриш мумкинки, хусусий корреляция коэффицентлари — бу натижавий омил ($\ln Y$) ва унга таъсир этувчи омиллар ($\ln X_i$) ўртасидаги боғланишлар зичлигини кўрсатади. Демак, хусусий корреляция коэффицентлари натижавий омил (давлат бюджетига ундирилган импорт божи, $\ln Y$) ва таъсир этувчи омиллар ўртасида зич боғланишлар мавжудлигини кўрсатмоқда, яъни хусусий корреляция коэффицентлари қиймати 0,7 дан катта. Масалан, давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ва солиққа тортиладиган импорт ҳажми ($\ln X_1$) ўртасида ҳисобланган хусусий корреляция коэффиценти 0,8716 га тенг. Бу мазкур омиллар ўртасида кучли боғланиш мавжудлигини кўрсатмоқда. Давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ва импорт божи бўйича берилган имтиёзлар ($\ln X_2$) ўртасида ҳисобланган хусусий корреляция коэффиценти 0,8631 га тенг. Мазкур омиллар орасида ҳам кучли боғланиш мавжуд экан. Давлат бюджетига ундирилган импорт

² Муаллиф ишланмаси

божи ($\ln Y$) ва АҚШ доллари курси ($\ln X_3$) ўртасида кучли боғланиш мавжуд экан. Чунки, ушбу омиллар ўртасидаги ҳисобланган хусусий корреляция коэффиценти 0,9297 га тенг. Давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ва импорт қилган ТИФ қатнашчилари сони ($\ln X_4$) ўртасида кучли боғланиш мавжуд экан. Чунки, ушбу омиллар ўртасидаги ҳисобланган хусусий корреляция коэффиценти 0,8839 га тенг. Давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ва импорт божхона божининг ўрта арифметик ставкаси ($\ln X_5$) ўртасида ўртача тескари боғланиш мавжуд экан. Чунки, ушбу омиллар ўртасидаги ҳисобланган хусусий корреляция коэффиценти - 0,6266 га тенг.

Юқорида келтирилган 2-жадвалда жуфт корреляция коэффицентлари ҳам мавжуд бўлиб, улар таъсир этувчи омиллар ($\ln X_i, \ln X_j$) ўртасида боғланиш зичликларини кўрсатади. Бу ерда энг муҳим ҳолат бўлиб, таъсир этувчи омиллар бир-бири билан зич боғланмаслиги керак. Яъни, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд бўлмаслиги лозим. Агар иккита таъсир этувчи омил ўртасида жуфт корреляция коэффиценти қиймати 0,7 дан катта бўлса, мультиколлинеарлик мавжуд дейилади. 2-жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки, таъсир этувчи омиллар ўртасида боғланиш зичликлари 0,7 дан катта эмас экан. Корреляцион матрицадаги жуфт корреляция коэффицентлари бўйича ҳулоса қиладиган бўлсақ, таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмас.

Бундан ташқари, 2-жадвалда корреляция коэффицентларининг ишончлилиги ва эҳтимоллигини аниқлаш бўйича коэффицентлар ҳисобланган (ҳисоблаган корреляция коэффицентларининг пастида жойлашган қаторлардаги қийматлар). Ҳар бир корреляция коэффицентининг пастки қисмида унинг t -Стюдент мезони ҳисобланган қиймати ва эҳтимоллиги келтирилган. Омиллар ўртасида ҳисобланган эҳтимоллик 0,05 дан катта бўлмаслик шарти қўйилади. Масалан, давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ва солиққа тортиладиган импорт ҳажми ($\ln X_1$) ўртасида хусусий корреляция коэффиценти $r_{\ln Y, \ln X_1} = 0,8716$, $t = 6,6517$ ва $\text{prob.} = 0,0000$ га тенг. Бу эса мазкур икки омил ўртасида кучли боғланиш мавжудлигини, хусусий корреляция коэффиценти ишончли эканлиги ва 95 фоиз аниқликда икки омил ўртасида мусбат боғланиш мавжудлигини кўрсатади.

Давлат бюджетига ундирилган божхона божи бўйича маълумотлар асосида ҳисобланган кўп омили эконометрик модель (4) шуни кўрсатадики, солиққа тортиладиган импорт ҳажми ($\ln X_1$) ўртача бир фоизга ортса, давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ўртача 0,519 фоизга ортар экан. Республикамизда импорт божи бўйича берилган имтиёзлар ($\ln X_2$) ўртача бир фоизга ортса, давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ўртача 1,275 фоизга ортар экан. Республикамизда АҚШ доллари курси ($\ln X_3$) ўртача бир фоизга ортса, давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ўртача 0,017 фоизга камаяр экан. Республикамизда импорт қилган ТИФ қатнашчилари сони ($\ln X_4$) ўртача бир фоизга ортса, давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ўртача 1,309 фоизга ортиши мумкин экан. Ниҳоят, республикада импорт божхона божининг ўрта арифметик

ставкаси ($\ln X_5$) ўртача бир фоизга ортса, давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ўртача 0,178 фоизга камаяр экан.

Давлат бюджетига ундирилган божхона тўловлари бўйича ҳисобланган кўп омили эконометрик модель (4) сифатини текшириш учун ҳисобланган детерминация коэффиценти қийматини кўриб чиқамиз. Ҳисобланган детерминация коэффиценти натижавий омил ($\ln Y$) неча фоизга моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Бизнинг ҳолатда ҳисобланган детерминация коэффиценти (R^2 — *R-squared*) 0,9925 га тенг. Бу эса давлат бюджетига ундирилган божхона тўловлари ($\ln Y$) 99,25 фоизга (4) кўп омили эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатмоқда. Қолган 0,75 фоизи (1,0-0,9925) эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсиридир.

Кўп омили эконометрик моделдаги омилларнинг стандарт хатоликларининг ҳам кичик қийматларни қабул қилганлиги ҳисобланган моделнинг статистик аҳамияти юқори эканлигидан далолат беради.

Хулоса ва таклифлар

Юқоридаги олиб борилган тадқиқотлар натижасида божхона божига бир қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатиши аниқланди.

Бунда олиб борилган тадқиқотимиз натижасида ишлаб чиқилган кўп омили эконометрик модель шуни кўрсатадики:

- солиққа тортиладиган импорт ҳажми ($\ln X_1$) ўртача бир фоизга ортса, давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ўртача 0,519 фоизга;
- импорт божи бўйича берилган имтиёзлар ($\ln X_2$) ўртача бир фоизга ортса, давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ўртача 1,275 фоизга;
- импорт қилган ТИФ қатнашчилари сони ($\ln X_4$) ўртача бир фоизга ортса, давлат бюджетига ундирилган импорт божи ($\ln Y$) ўртача 1,309 фоизга ортиши аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, божхона божига таъсир этувчи омиллардан самарали фойдаланиш, мамлакатимиз иқтисодий хавфсизлигини ва фискал барқарорлигини таъминлаш учун ҳисса қўшади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ««Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида»ги ПФ-158 Фармони. <https://lex.uz/docs/6600413>
2. Gujarati, D. N., Porter, D. C., Basic Econometrics. McGraw-Hill Education. Darslik, 2009.
3. Jeffrey M. Wooldridge, Introductory Econometrics 7th edition, дарслик, 2018. URL: https://www.academia.edu/49732662/Introductory_Econometrics_7E_2020_
4. Maria-Carmen Guisan, “An econometric model of industry, foreign trade, and economic development in Philippines, 1990-2006”. Journal of International Trade Studies, 2008.
5. Т.Н.Пардаев. Божхона тўловларига таъсир этувчи омилларнинг эконометрик таҳлили. Ўзбекистон Божхона ахборотномаси. 2024 йил.

6. O.A.Sarmanov. Customs payments received to the state budget and econometric analysis of factors affecting it. Asian Journal of Technology & Management Research (AJTMR) ISSN: 2249 –0892 Vol14 Issue–01, June — 2024, (p. 163-168).

7. Nosirovich, T. P., Rixsibayevich, A. S., & Adiljonovich, S. O. (2021). Prospects for increasing the effectiveness of the application of privileges and preferences from customs duties. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 11(7), 69-76.

8. Adiljonovich, S. O. (2025). O‘ZBEKISTONDA BOJXONA TO‘LOVLARI TUSHUMINING SAMARADORLIGIGA TA’SIR ETUVCHI OMILLAR TAHLILI. Scientific Journal of Actuarial Finance and Accounting, 5(03), 249-256.

9. Пардаев, Т., Сарманов, О., & Камалов, С. (2022). ГЛОБАЛЛАШУВ ШАРОИТИДА МИЛЛИЙ БОЖ ТАРИФИ ТИЗИМИНИ ХАЛҚАРО ТАЛАБЛАРГА УНИФИКАЦИЯЛАШ. *Economics and Innovative Technologies*, 10(6), 425-433.

10. САРМАНОВ, О. А., & ФАРХОДОВ, Ф. Ф. БОЖХОНА ЙИГИМЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ ВА УНДИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ Тулкин Насирович ПАРДАЕВ.

Copyright: © 2025 by the authors. This work is licensed under a Creative Commons Attribution-4.0 International License (CC - BY 4.0)

